Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

18 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА № 183 (678). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

БАҲОУДДИН ҚИШЛОҒИДА ТАНТАНАЛАР

Бу йил ислом оламининг улкан мутасаввуфи Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллик юбилейи бутун мусулмон дунёсида кенг нишонланади. Мутасаввуфнинг кандик қони тўкилган Бухорода шунга бағишлаб катта анжуман бўлди. Анжуманда мамлакатимиз юртбошиси Ислом Каримов ҳам иштирок этди.

СУРАТЛАРДА: юбилей тантаналаридан лавҳалар.

Ш. ШАРОПОВ олган суратлар.

Бухорода, икки кундирки, Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги тантаналари давом этмоқда. 17 сентябрь куни эрталаб узоқ-яқин хориждан, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган меҳмонлар Баҳоуддин қишлоғи сари йўл олди.

Улар Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ва ул пири комилнинг волидайи муҳтарамалари мақбаларини зиёрат қилдилар. Бу ердаги жоме масжидида алломанинг ҳаёти, дин равнақига қўшган улкан ҳиссасига бағишланган давра суҳбати бўлди. Унда машҳур уламою нақшбандшунослар, тарихчилар, ёзувчилар буюк алломанинг ҳаёти ва тариқати, маънавий меросининг бугунги кундаги аҳамияти хусусида гапирдилар. Қуръон қироати танлови ғолиблари зиёратчилар ҳузурида истеъдодини намойиш этди.

Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуи либосига "бурканди. Савдо ярмаркалари ташкил қилинди. Музей, халқ санъати кўргазмаси айниқса гавжум бўлди.

Истиқлолимиз туфайли асрий қадриятларимиз тикланаётгани, юртимизда тинчлик, фаровонлик, халқлар дўстлиги қарор топаётганига шукрона айтиб бу ерда қурбонлик қилинди.

Жума намозидан сўнг меҳмонлар Бухоро шаҳрига қайтди. Уларни шаҳарда ҳам турли-туман тадбирлар кутмоқда эди. Марказий ўйингоҳда ҳазрат хотирасига бағишланган халқаро мусобақа қатнашчилари — елкаси ерга тегмаган полвонлар энг улкан совринучқур тулпорни қўлга киритиш мақсадида қайта-қайта майдонга тушар эдилар.

Кечқурун Иби Сино номидаги маданият саройида Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий анжуман бошланди. Йиғин сўнгида санъат усталари зиёратчиларга катта концерт қўйиб берди.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллиги тантаналарида республика Вош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, «Моваройнаҳр» мусулмонлар диний бошқармаси раиси, муфтий Мухторжон Абдуллоҳ ал-Бухорий ҳамда Бухоро вилоятн ҳокими Д. Ёдгоров иштирок этмоқдалар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

УЗУМ ЧИҚИТИДАН СПИРТ

БУЛУНҒУР. Вино комбинатида узум чиқитидан спирт тайёрлайдиган янги ускуна ўрнатилди.

БУ иш қатор муаммоларни шу ернинг ўзида ҳал этиш имконини берди. Энди спиртни Россия ва Украинадан келтириш билан боғлиқ оворагарчиликларга ҳам чек қўйилса ажабмас. Ҳозир комбинат мутахассислари буғдой ва картошкадан спирт олишни мўлжаллашаяпти.

АНЪАНАВИЙ УСУЛ ҲАМ ҚЎЛ КЕЛАЯПТИ

ГУЛИСТОН. Ўзбекистон-Хитой тиббиётчилари ҳамкорликда ишга туширган «Матлуба» қўшма корхонаси беморларни қабул қила бошлади. Хорижий мутахассислар даволаш жараёнида халқ анъанавий усулларини кенг қўллашаяпти. Яқин кунларда Хитойдан яна 16 та шифокор келадиган бўлди.

СУРАТДА: шифокор Ван Эн Шэн беморни даволаяпти.

МАҲСУЛОТ ХОРИЖГА ЧИҚАРИЛАДИ

ЧОРТОҚ. Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалигида ультрабинафша нур ёрдамида сабзи, пиёз қуритилаяпти.

ҲОЗИР 5 та шундай қурилма ишлаб турибди. Уларнинг ҳар бирида кунига 350—400 килограмм маҳсулот тайёрланмоқда. Янгилик «Ўзинтергермес» тижорат ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент бўлими билан ҳамкорликда жорий қилинди. Германия билан тайёр маҳсулотни етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилди.

МАШИНА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

ШЕРОБОД тумани. В. Қодиров номли жамоа хўжалиги пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб машина теримига киришди.

ХУЖАЛИКНИНГ 1-Чуянчи ширкат жамоаси далаларида 6 та терим машинаси кунига 20 тоннадан ошириб пахта тераяпти. Эртаиндин 75 та агрегатнинг ҳаммаси далага олиб чиқилади. Хўжалик бошқаруви сифатли терилган ҳар тонна пахта учун механизаторга минг сўмдан ҳақ тўлашни белгиладн.

БУ ЕШЛАРНИНГ ТАШАББУСИ

БУЗ тумани. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман комитетининг ташаббуси билан пичан жамғариш бригадалари тузилди.

БУ тадбир тумандаги Бобур, Навоий. номидаги жамоа хўжаликларида ҳамда М. Жалолов номидаги ширкатлар уюшмасида қизғин бормоқда. Зовур ва ариқ ёқаларидаги ўтўланлар ўрилиб, фермалар атрофига ғарамланаяпти. Ёшлар ташаббуси билан хўжаликларда шу кунгача икки минг тоннадан ортиқ пичан жамғарилди.

РИЗҚИМИЗ ФАҚАТ ПАХТАДАН ЭМАС

ШОФИРКОН. Бобур номли жамоа хўжалигида пахтачилик билан бир қаторда мева-сабзавотчиликка ҳам катта аҳамият берилаяпти. Шу боис хўжалик мирзакорлари бу йил ҳам боғлардан мўл ҳосил етиштиришди. Унинг бир қисмини четга сотишди. Даромаддан эса аҳолини моддий муқофазалашга сарфлаш режаланди.

СУРАТДА: боғбон Қ. Очилов анорзорда.

ГАЗ БАЛОНЛАРИ ШУ ЕРДА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ҚУҚОН. «Большевик» заводида суюлтирилган газ балонларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ЯНГИ маҳсулотни тайёрлаш учун зарур ҳомашё қўшни Қозоғистондан шартнома асосида олинаяпти. Ҳозир ҳар ойда мингтадан кўпроқ балон тайёрланмоқда. Энди бу борадаги тақчиллик ҳам барҳам топса ажабмас.

ЯНГИЛИКЛАР ✻ ФАКТЛАР ✻ ВОҚЕАЛАР ✻ ЯНГИЛИКЛАР ✻ ФАКТЛАР ✻ ВОҚЕАЛАР ✻ ЯНГИЛИКЛАР ✻ ФАКТЛАР ✻ ВОҚЕАЛАР ✻ ЯНГИЛИКЛАР ✻ ФАКТЛАР ✻ ВОҚЕАЛАР ✻ ЯНГИЛИКЛАР

Президент ҳузурида қабул

17 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикасининг дин ва вақф ишлари вазири, ҳукумат аъзоси Муҳаммад Али Маҳжубни қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистонда буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанд юбилейига бағишлаб ўтказилаётган тантаналарда иштирок этгани учун меҳмонга миннатдорлик билдирар экан, бу байрам бутун ўзбек халқининг дину иймонга, отаболар хотирасига теран эҳтиром тимсоли эканини таъкидлади.

Муҳаммад Али Маҳжуб Президентга мамлакати раҳбари Ҳусни Муборак жаноби олийларининг дуои саломини етказди.

Суҳбат чоғида иккала мамлакатнинг тиббиёт, мутахассислар тайёрлаш соҳаларидаги ҳамкорлиги, шунингдек, Тошкент билан Қоҳира ўртасида ҳаво йўли очиш масалалари муҳокама қилинди.

Қабул маросимида республика ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги мувақкат ишлар вакили Муҳаммад Абдул Ғани иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Б. П. ҚАЮМОВНИ «ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Баҳодир Пўлатович Қаюмов «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 17 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЕДГОРЛИК МАЖМУИДА ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА АЛОҲИДА УРНАК КЎРСАТГАН БИР ГУРУҲ МЕҲНАТКАШЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Нақшбанднинг таълимотининг асосчиси, файласуф Шайх Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуида қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажаришда алоҳида ўрнак кўрсатганликлари учун Ўзбекистон республикасининг фахрий унвони берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Абдуллаев Мухтор — «Моваройнаҳр» мусулмонлар диний бошқармаси ҳайъатининг раиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

Муҳаммедов Ғайбулло — махсус илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонасининг уста-таъмирловчиси (Бухоро шаҳри)

Ражабов Омон — саноат корхоналари комбинатининг асфальтловчиси (Бухоро шаҳри)

БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Вектимиров Фаик Аллямович — Бухоро автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси механизмлашган колоннасининг йўл устаси (Бухоро шаҳри)

Бобомуродов Бахтиёр Очилович — Ўзбекистон тарихий-маданий мерос «Ёдгорлик» жамияти вилоят кенгаши қошидаги «Кўкалдош» ширкатининг уста-таъмирловчиси (Бухоро шаҳри)

Жўраев Зоир Қобилович — «Бухороқурилишмаҳсулотлари» ишлаб чиқариш бирлашмаси мармар цехининг бошлиғи (Когон шаҳри)

Жўраев Шавкат Икромович — «Усто» ширкатининг рассом-таъмирловчиси (Бухоро шаҳри)

Отабоев Турсун Собирович — 2-сон вилоят жамоа хўжаликлари қурилиш трестининг бош муҳандиси (Бухоро шаҳри)

Субҳонов Сунқат — ёғочни қайта ишлаш заводи дурадгорлик цехининг бошлиғи (Бухоро шаҳри)

Тўраев Йўлдошалли Наржонович — саноат корхоналари комбинатининг директори (Бухоро шаҳри)

Файзов Толиб Темурович — 2-сон вилоят жамоа хўжаликлари трести 197-хўжаликлараро кўчма механизмлашган колоннанинг бошлиғи (Бухоро тумани)

Ҳаитов Азим Каримович — махсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонасининг уста-таъмирловчиси (Бухоро шаҳри)

Шарипов Шокир Жумаевич — 2-сон вилоят жамоа хўжаликлари трести 107-хўжаликлараро механизмлашган колоннанинг гишт терувчиси (Бухоро тумани)

Шукуров Ражаб — «Ўзкоопқурилиймонтаж» трестига қарашли механизмлашган кўчма колонна гишт терувчилар бригадасининг бошлиғи (Бухоро шаҳри)

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 17 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Республика Вазирлар Маҳкамаси 1993 йилнинг 20 сентябридан ун ва нонинг чакана нархларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бир килограмм ун нинг нархи ўрта ҳисобда 60 сўм, қолипда пиширилган нонинг нархи эса 50 сўм бўлади.

Нархларнинг бундай оширилишига сабаб нима?

Биринчидан, илгари матбуотда хабар қилинганидек, Ўзбекистон донга бўлган эҳтиёжининг фақат 30 фоизини ўзида етиштирилган ғалла ҳисобига қондиради, унинг асосий қисмини эса республика яқин ва олис хориждан ташиб келтиради. Бунда ҳозирги пайтда дон МДҲ республикаларидан жаҳонда белгиланган нархларда, яъни ҳар килограмм учун 125 сўмдан олиб келинади.

Иккинчидан, дон маҳсулотлари корхоналарининг донни қайта ишлашга кетадиган ҳаражатларини ҳисобга олганда, ана шу дондан олинадиган ҳар килограмм ун давлатга салкам 150 сўмга тушмоқда. Шу сабабли ҳатто янги чакана нархлар билан ҳисоблаганда ҳам аҳолига сотилган ҳар бир килограмм ун учун давлат 95 сўмга яқин дотация (қўшимча маблағ) ажратиб беради. Бу маблағ ойига 14 миллиард сўмдан кўпни ташкил қилади.

Нонинг нархи 50 сўмгача оширилганда давлат бюджетидан ҳар 1 килограмм нон ҳисобига бериладиган дотация миқдори 113 сўмни ташкил этади, республикада сотиладиган нонинг жами ҳажмига бериладиган дотация эса ойига 8 миллиард сўмдан ошиб кетади, ёки бошқача сўзлар билан айтганда, дотация миқдорч. икки баравар кўпаяди. Буларнинг ҳаммасига республикага олиб келинаётган доннинг нархи кескин ошганлиги сабаб бўлмоқда.

Иш ҳақини ошириш, транспорт харажатларини, ёқилғи-энергетика ресурслари ва бошқа ресурсларга бўладиган сарф-харажатларни қоплашга кетадиган чиқимлар кўпайганлигини эътиборга олиб, 20 сентябрдан бошлаб сутнинг эркин (шартномавий) чакана нархи бир литри учун 100 сўм, макарон маҳсулотларининг нархи бир килограмми учун 250 сўм, ўсимлик ёғининг нархи эса 300 сўм миқдорида бўлади. Шу билан бирга аҳолини бундай маҳсулотлар билан кафолатли таъминлаш тартиби сақлаб қолинади.

Айни пайтда ҳукумат айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари оширилишни назарда тутиб, иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни кўпайтириш борасида олдиндан чоралар кўриб қўйди. Бундан ташқари мактаб ўқувчилари ва талабалар учун мактаблар ҳамда талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинди.

Шуни айтиб ўтиш жонизки, МДҲнинг амалда барча мамлакатларида ушбу маҳсулотларнинг чакана нархлари республикамизда янги белгиланаётган нархлардан анча юқоридир. Қуйидаги статистика маълумотлари шуидан далолат беради.

[1 КИЛОГРАММ УЧУН СЎМ ҲИСОБИДА]

	Тошкент	Москва	Санкт-Петербург	Минск	Кишинев	Олма-Ота	Бишкек	Душанбе	Ереван
Ун	80	120	120	500	340	260	130	360	540
Нон	50	130	140	70	420	80	140	233	80 талон билан 200
Сут	100	175	175	80	—	190	150	—	300
Макарон	230	250	260	310	350	530	—	300	630
Ўсимлик ёғи	300	600	660	1150	400	1450	1300	—	1300

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТЎҒРИСИДА

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айни бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди.

Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ва ҳокимлар Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга эга бўладилар.

2-модда. Маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти бошлиғини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш

Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда халқ депутатлари тегишли вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман, шаҳар ҳокими вилоят ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда халқ депутатлари тегишли вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари орасидан тайинланади ҳамда тасдиқланади.

Шаҳардаги туман, туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокими тегишли шаҳар, туман ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда халқ депутатлари тегишли туман, шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туман марказлари ҳисобланган шаҳарларда вилоят ҳокими шаҳар ҳокимини туман ҳокимига бўйсундириш ва ягона бошқарув органи тузиш ваколатига эга. Бу хусусдаги қарор халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Халқ депутатлари Кенгашларининг ва ҳокимларнинг ваколат муддати — беш йил.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ва тегишли ҳокимларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинади.

4-модда. Ҳокимият вакиллик органлари ва ҳокимларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашадилар, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб турадилар.

5-модда. Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикаси бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро муносабатлари

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими берилган ваколатлари доирасида умум манфаатни ифодаловчи тадбирлар ўтказиш, қўшма корхоналар, хўжалик ташкилотлари тузиш учун, турли тармоқлар ва бошқарув соҳаларида фаолиятларни уйғунлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг, Ўзбекистон Республикаси бошқа вилоятлари, шаҳарлари ва туманларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан шартномалар асосида ўзаро муносабатлар ўрнатишга ҳақлидирлар.

6-модда. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қиладиган ҳужжатлар

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши қарорлар қабул қилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ҳамда чиқарган ҳужжатлар имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради, бошқа ана шу ҳужжатларда ўзга тартиб белгиланмаган бўлса.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар вилоят, туман, шаҳар, ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

II БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСИ

7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг иқтисодий асосини ташкил этувчи мулк шакллари

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими фаолиятининг иқтисодий асосини маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг давлат мулки (коммунал мулк) ҳамда вилоят, туман, ва шаҳарда мавжуд бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга хизмат қилувчи бошқа мулк ташкил этади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими мутлақ Ўзбекистон Республикаси мулкида бўлган давлат мулки объектларига нисбатан ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни самарали жойлаштириш, табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга оширадилар.

Вилоят, туман, шаҳар мулкини, шунингдек, вилоят, туман ва шаҳарга хўжалик юритиш учун берилган давлат мулки объектларини бошқариш тартиби ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан йўлга солинади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, вилоят, туман, шаҳар ҳокими ўзлари идора қилаётган ҳудуддаги мулкчиликнинг турли шаклига асосланган корхоналар учун Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилмаган, тадбиркорлик ва хўжалик фаолиятини эркин юритишга тўсқинлик қиладиган чекловларни жорий этишга ҳақли эмаслар.

8-модда. Вилоят, туман, шаҳар мулки

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши давлат мулкини чегаралаш натижасида ўзига берилган ёки қонунларга мувофиқ ўзи сотиб олган объектларга нисбатан мулкдор ваколатларини тўлиқ амалга оширади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг мол-мулки, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондларнинг ва аниқ мақсадга қаратилган фондларнинг маблағлари, вилоят, туман, шаҳар мулкидир. Вилоят, туман, шаҳар аҳамиятига эга бўлган муҳандислик инфраструктураси объектлари ва бошқа объектлар, корхоналар ва бирлашмалар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, фан ва маданият муассасалари, вилоят, туман, шаҳар маблағи ҳисобидан ташкил этилган ёки сотиб олинган, шунингдек улушбай асосларда ташкил этилган ёки сотиб олинган ёхуд халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига бошқа манбалардан бепул берилган қимматли қоғозлар ва молия активлари вилоят, туман, шаҳар мулки бўлиши мумкин.

9-модда. Вилоят, туман, шаҳар мулки объектларини бошқариш

Вилоят, туман, шаҳар ҳоким корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер беришга, бу субъектларнинг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб қўйишга, шунингдек, ерларни олиб қўйишга ҳақли бўлиб, қабул қилиган бу хусусдаги қарорлар халқ депутатлари тегишли Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ер муносабатларига доир бошқа масалаларни ҳал қиладилар.

III БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСИ

11-модда. Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари

Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурсларини бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, аниқ мақсадга қаратилган фондлар, кредит ресурслари, шунингдек республика (вилоят, Тошкент шаҳри) бюжетидан ажратилган субвенциялар ва дотациялар ташкил этади.

Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан биргаликдаги дастурларни, шу жумладан ҳудудлараро дастурларни пул билан таъминлаш учун бошқа вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг молия ресурслари билан шартнома асосида бирлаштирилиши мумкин.

12-модда. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимининг бюджетга доир ҳуқуқлари

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши вилоят, туман, шаҳар бюджети ва унинг ижросига доир ҳисоботларни тасдиқлайди.

Вилоят, туман, шаҳар бюджети лойиҳаларини тайёрлаш, унинг ижросини ҳоким амалга оширади. Бюджет лойиҳаси ҳоким томонидан даромадлар манбаи ва харажатлар йўналишлари кўрсатилган ҳолда тақдим этилади.

Ижроия органларини пул билан таъминлаш бюджетда назарда тутилган миқдорларда амалга оширилади.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари тегишинча туманга бўйсунувчи шаҳар ҳамда шаҳардаги туман бюджетини ва унинг ижросига доир ҳисоботларни ҳам тасдиқлайдилар.

13-модда. Вилоят, туман, шаҳар бюджетининг даромадлари ва сарф-харажатлари

Вилоят, туман, шаҳар бюджети даромадларига:

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ олинадиган солиқлар ва йиғимлар;

вилоят, туман ва шаҳарга қарашли мол-мулкни ижарага бериш ёки сотишдан келадиган тушумлар;

қонунларда назарда тутилган ҳолларда вилоят, туман, шаҳар мулки ҳисобланган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг текшириш вақтида аниқланган яшириб қолинган ёки камайтириб кўрсатилган даромадларининг муайян қисми;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ бошқа тушумлар киритилади.

14-модда. Маҳаллий ҳокимият органларининг вилоят, туман, шаҳар бюджетидан ташқари фондлари

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши:

фуқаролар, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари ва хайрияларидан;

Ўзбекистон Рееспубликаси қонунларига мувофиқ ундириладиган айрим турдаги жарималардан;

бюджетдан ташқари ўзга маблағлардан таркиб топадиган бюджетдан ташқари фондлар ҳосил қилиши мумкин.

Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари банкдаги махсус счётларда туради, уларни олиб қўйиш мумкин эмас, улар тегишли халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорига биноан сарфланади.

15-модда. Вилоят, Тошкент шаҳар валюта фондлари

Халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ вилоят, шаҳар валюта фонди ташкил этиш ва улардан халқ депутатлари Кенгашининг қарорларига биноан фойдаланишга ҳақлидир.

IV БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

16-модда. Халқ депутатлари Кенгашини сайлаш

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ вилоят, туман, шаҳар аҳолиси томонидан сайланадиган халқ депутатларидан иборат бўлади.

17-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг сессиялари.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий иш шакли сессиядир. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сессиялари тегишли ҳоким, ҳоким йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан заруратга қараб бироқ, йилига камида икки марта чақирилади. Сессия шунингдек, халқ депутатлари тегишли Кенгаши депутатлари камида учдан икки қисмининг ташаббусига биноан ҳам чақирилиши мумкин. Кенгаш сессиясини чақириш тўғрисидаги қарордан депутатлар сессия очилишидан камида етти кун олдин хабардор қилинади.

Янги сайланган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси ҳоким томонидан сайловдан кейин кечи билан уч ҳафталик муддат ичида чақирилади ва у кекса депутатлардан бири томонидан очилади. Халқ депутатлари Кенгаши сессияларида ҳоким, у йўқлигида эса Кенгашнинг қарорига ёки ҳокимнинг топшириғига биноан мазкур Кенгашнинг депутатларидан бири раислик қилади.

Халқ депутатлари Кенгашининг ҳар бир сессиясини ўтказиш даврида депутатлар орасидан сессия котиби ёки котибияти сайланади.

Халқ депутатлари Кенгашининг сессияси, башарти унда жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар, Кенгаши сессиясида муҳокама қилинаётган масалалар бўйича очиқ ёки яширин овоз бериш орқали, депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилинади.

18-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг Иш тартиби

Халқ депутатлари Кенгаши сессияларини чақириш ва ўтказиш, сессия муҳокамасига масалалар киритиш ва уларни қараб чиқиш, халқ депутатлари Кенгаши органларини ташкил этиш ва сайлаш, уларнинг фаолиятига доир ҳисоботларни тинглаш, депутатлар сўровларини, қарор лойиҳаларини қараб чиқиш, овоз бериш, қарорларни эълон қилиш, сессияга таклиф этиладиган шахслар сонини аниқлаш тартиби, шунингдек депутатларнинг масъулияти ва сессия ишини ташкил этишга доир бошқа масалалар халқ депутатлари Кенгашининг Иш тартибига мувофиқ белгиланади.

19-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари

Сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларна дастлабки тарзда қараб чиқиш ва тайёрлаш, халқ депутатлари Кенгаши қарорларини ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини рўёбга чиқарин учун кўмаклашиш, ваколатлари доирасида назорат ўрнатиш мақсадида халқ депутатлари Кенгаши ўз ваколати муддатига доимий ва муваққат комиссиялар тузади. Комиссиялар тўғрисидаги Низом тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

20-модда. Халқ депутатлари Кенгаши фаолиятини ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатлардан таъминлаш.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатлардан хизмат кўрсатиш тегишли ҳокимлик аппарати томонидан таъминланади.

V БОБ. МАҲАЛЛИЙ ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ

21-модда. Маҳаллий ижроия ҳокимиятининг раҳбарияти

Вилоят, туман, шаҳар ижроия ҳокимиятига ҳоким бошчилик қилади. Ҳоким Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорда биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга бўлади.

Ҳоким ўринбосарлари қонда тариқасида тегишли халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари орасидан тайинланадилар ва тасдиқланадилар.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда ўрнббосарлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

Туман, шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

Шаҳардаги туман, туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ҳокимнинг ўринбосарлари ҳоким томонидан белгиланган вазнфалар тақсимотига мувофиқ нш бажарадилар. Ҳоким йўқлигида ёки у зиммасидаги вазифаларни бажариш имкониятига эга бўлмаган тақдирда унинг ваколатларини биринчи ўринбосар ёки ҳокимнинг топшириғнга биноан унинг ўринбосарларидан бири бажаради.

Ҳоким, унинг ўринбосарлари, ҳокимликнинг бошқа ходимлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

22-модда. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг структура ва штатлари

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг структураси, уларни ташкил этиш тартиби ва фаолиятн Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низомлар билан белгиланади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг структураси ва штатлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Туман, шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг структураси ва штатлари ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари аппаратининг структураси ва штатлари вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари эса юқори турувчи ҳоким томонидан белгилаб қўйилади. Қорақалпоғистон Республикасида туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан белгилаб қўйилади.

23-модда. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари структура бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш.

Башарти, қонунларда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг ўзга, тартиби бегиланмаган бўлса, ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарлари давлат бошқарувининг юқори органлари билан келишилган ҳолда тегишли ҳокимнинг тақдимига биноан — халқ депутатлари Кенгаши томонидан, сессиялар оралиғидаги даврда эса — ҳоким томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар, бу хусусда қабул қилинган қарор халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

Башарти, қонунларда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг ўзга тартиби белгиланмаган бўлса, шаҳардаги туман ёки туманга бўйсунадиган шаҳар ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарлари давлат бошқарувининг юқори органлари билан келишилган ҳолда тегишли ҳоким томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

VI БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ВА ҲОКИМЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

24-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий ваколатларига:

ҳокимнинг тақдимига биноан маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини тасдиқлаш;

амалдаги қонунларга мувофиқ маҳаллий солиқлар, йиғимлар, бож миқдорини белгилаш, маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;

ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимга тасдиқлаш, ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимдан озод этиш, уларнинг фаолиятга доир ҳисоботларини тинглаш;

ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳоким қарорларини тасдиқлаш;

халқ депутатлари Кенгашининг Иш тартибини, халқ депутатлари Кенгаши доимий ва бошқа комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссияларини, бошқа органларини тузиш, сайлаш ва тугатиш, уларнинг таркибини ўзгартириш, улар ишига доир ҳисоботларни тинглаш;

қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда халқ депутатларининг ваколатларини эътироф этиш ва муддатидан олдин тўхтатиш, уларни жавобгарликка тортиш учун розилик бериш;

ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа структуравий бўлинмаларининг ҳисоботларини тинглаш;

халқ депутатларининг сўровларини қараб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

ҳокимнинг ва қуйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш;

ҳокимнинг тақдимига биноан ҳокимлик структурасини, унинг ходимлари штатлари ва иш ҳақи фондини тасдиқлаш киради.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ўз ваколатларига берилган масалаларни, ташкилий масалалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ назорат этишга доир бошқа масалаларни ҳал этади.

25-модда. Ҳокимнинг ваколатлари

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими:

қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади;

жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигинн муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўради, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этади;

вилоят, туман ва шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят, туман, шаҳар бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига тақдим этади;

ўз ўринбосарлари ва ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорларни халқ депутатлари Кенгаши тасдиғига тақдим этади;

ҳокимлик девонн бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

қуйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини, башарти улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатларга, шунингдек юқори турувчи халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорларига зид бўлса бекор қилади ва халқ депутатлари Кенгашига қуйи турувчи халқ депутатлари Кенгашларининг ҳужжатларнни бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритади;

раҳбарлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ижроия ҳокимняти структура бўлинмаларининг ишини назорат қилади;

халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатларни бажармаганликлари учун мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тақдимнома киритади;

давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир илтмосномаларни қараб чиқади ва таклифлар киритади;

республика ва хорижда вилоят, туман ҳамда шаҳарнинг расмий вакили сифатида иш кўради;

аҳолини қабул қилишни ташкил этади, фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини қараб чиқади.

Ҳоким режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкини бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, қишлоқ хўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофоза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

VII БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ВА ҲОКИМНИНГ ФАОЛИЯТИДА ҚОНУНИЙЛИКНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

26-модда. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким фаолиятининг қонунийлигини назорат қилиш

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва Фармойишларига зид келадиган қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бекор қилинади.

Ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига. Ҳукумат ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зид келадиган ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўхтатилади ва бекор қилинади.

27-модда. Юқори турувчи ҳокимият органлари қарорларнинг қуйи органлар учун мажбурийлиги

Юқори турувчи давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар қуйи органларнинг ижроси учун мажбурийдир.

28-модда. Ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатлар устидан судга шикоят қилиш

Ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатлар устидан фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар судга шикоят қилишлари мумкин.

29-модда. Ҳокимнинг прокурор протест билдирган қарорлари қайта кўриб чиқилиши мажбурийлиги

Ҳокимнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларига зид, прокурор протест билдирган қарорлари шу ҳокимнинг ўзи томонидан ёки юқори турувчи ҳоким ёинки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, заруратга, қараб эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайта кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Ҳукумат қарорларини «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин:

1971 йил 16 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари район Совети тўғрисида»ги (Қонунинг 1980 йил 14 мартдаги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, № 9, 106-модда);

1971 йил 16 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари шаҳар, шаҳардаги район Совети тўғрисида»ги (Қонунинг 1980 йил 14 мартдаги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, № 9, 107-модда);

1980 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари область Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, № 32, модда);

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари ҳамда уларнинг ҳокимият вакиллик идоралари — халқ депутатлари Кенгашлари билан ўзаро муносабатлари асосларн тўғрисидаги Муваққат низомни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 4, 215-модда) тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1992 йил 27 февралдаги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри.
1993 йил 2 сентябрь.

• «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ЭРТАНГИ ПАРЛАМЕНТ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн учинчи сессияси қабул қилган қонунлар ўта муҳим ва бугунги кун учун долзарб эканлигига шубҳа йўқ. Бугунги кун учун деб таъкидлашимизнинг боиси — биз марксизм-ленинизм таълимоти ўзгармасдир деган тушунчадан воз кечдик ва ўзгармас қонда мавжуд деган догматик қарашни рад этдик. Вақт ўтиши билан, замон талаблари ўзгариши билан тушунчалар ҳам, муайян воқеликка бериладиган баҳо ҳам ўзгаравераді. Ҳур Узбекистонимиз Мустақил давлат бўлиши боисидан — янги Конституция дунёга келганлиги, янги қонунлар қабул қилинганлиги фикримизнинг далилидир. Ва ниҳоят—«Узбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлоаи ҳақида»ги Қонундан фарқли ўлароқ «Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва умумхалқ муҳокамасига қўйилди, Мухбиримизнинг Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Э. Ҳ. ХАЛИЛОВ билан суҳбати ана шу муҳим ҳужжат хусусида бўлди.

— Эркин Ҳамдамович, суҳбатимизнинг бошиданоқ айтиб кўя қолай: бу Қонун лойиҳасига бўлган қизиқиш жуда ҳам катта. Таҳририятимизга келаётган хатлар, таклифлар ва ҳатто тузатишлар жуда кўп. Оддий газетхонлар, қонун моддаларини Инсон ҳуқуқлари Декларацияси билан ҳам солиштириб кўрганликлари, лойиҳада фикрларни такрорловчи бандлар мавжуд деган мулоҳазаларни баён этаётганликлари фикримизнинг далилидир. Лекин ҳамасини тартиб билан кўриб чиқайлик. Аввало ана шу Қонун лойиҳасининг аҳамияти, уни ишлаб чиқиш жараёни ва қонунда мустаҳкамланган қондаларга нималар асос бўлиб хизмат қилгани хусусида гапириб берсангиз.

— Биринчи галда ушбу Қонун пайдо бўлишига сабаб нимада деган масалани кўриб чиқайлик. Ҳаммамизга маълумки, Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилинди. Бу Мустақил давлатимиз тарихида абадий унутилмайдиган воқеалардан бири бўлиб қолиши муқаррар. Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилинганлиги республикамизда ҳокимият вакиллик органларини ташкил этишни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширишни тақозо этди. Ана шунга асосланиб, Олий Кенгаш Раёсати «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадида махсус ишчи гуруҳини тузди. Ишчи гуруҳ таркибига етук олимлар, академиклар, қонуншуносларни, бир сўз билан айтганда шу соҳанинг билимдонлари киритилди. Энг диққатга сазовор ери шундаки, бу ишга Республикамиз Президенти И. А. Каримов алоҳида эътибор бериб, бу Қонун ҳам Конституциямиз сингари демократик руҳда эканлигини жаҳон ҳамжамияти тан оладиган даражада бўлиши кераклигини ҳар кун, ҳар соат уқтириб турдилар ва ўзлари ҳам бевосита ишларда фаол қатнашдилар.

Албатта, янги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга киришилганида доимо: ишни нимадан бошлаш керак — деган савол кўндаланг бўлади. Биз аввало Ўзбекистонда таркиб топган сайловлар ўтказиш тажрибасига мурожаат қилдик. Бундан ташқари жаҳон сайлов амалиётининг афзалликларидан фойдаланиш мақсадида Олмония, Англия, Туркия, Австрия, Швеция, Италия, Малайзия, Польша каби мамлакатларнинг, Болтиқбўйи давлатлари, Россия, Украина ва бир қатор бошқа давлатларнинг қонун ҳужжатларини ўрганиб чиқдик. Вакилларимиз Литвада бўлиб, Литва Республикаси Сеймига сайловлар ўтказиш тажрибасини ўрганиб келдилар. Тўпланган тажрибалар, шунингдек янги Конституциянинг Олий Мажлисга оид қоидалари биз ишлаб чиққан қонун лойиҳасига асос қилиб олинди. Бу ўринда Конституция қоидалари деганда мен Олий Мажлис ҳудудий сайлов округлар бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан иборат бўлишини назарда тутаяпман.

Ишчи гуруҳининг ўнлаб мажлислари ўтказилди. Очиғини айтиш керак: лойиҳанинг ҳомаки дастлабки кўринишининг анчагина моддалари ўзгариб кетди. Бу — лойиҳа бўш тайёрланганинн кўрсатмайди, балки йиғилишлар амалий таклифлар киритиш, топширилган масъулиятли иш учун жафокашлик руҳида ўтганлигининг белгисидир.

Энди саволингизнинг бош қисмига якун қилиб жавоб бермоқчиман, яъни Қонун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида тўхталмоқчиман. Агар жоиз бўлса, бу Қонун Конституциядан кейинги энг муҳим ҳужжатлардан бири бўлади. Нега деган савол туғилади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, эртага ҳокимият Олий органи қандай бўлади, унда мен ва Сизнинг манфаатларимизни кимлар ҳимоя қилади, кимлар Парламент аъзоси бўлади ва энг долзарб ва муҳим ҳужжатларни қабул килиш ёки рад этиш учун жавоб беради? Мана шуларнинг барчаси ушбу Қонунда ўз аксини топади. У биринчи ўқишда қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамасига қўйилганлигининг сабаби ҳам шунда.

— Эркин ака, аввало депутат сифатида, қолаверса Раёсат аъзоси, Олий Кенгаш Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасининг Раиси сифатида ҳозир амал қилиб турган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови қақида»ги Қонунига бир оз тўхталсангиз. Ана шу қонун бугунги кун талабига жавоб бермай қолдими ёки ўзини оқладими? Бу саволнинг биринчи қисми. Ва ниҳоят янги сайлов Қонунини тайёрлаш жараёнида аввалгисидан фойдаланилдими ёки ундан бутунлай воз кечилдими?

— Мен бу саволингизга бажонидил жавоб бераман. Халқ депутатлари сайлови ҳақидаги Қонун ўзини тўлиқ оқлади. Чунки Қонун қабул қилинган замон нуқтаи назаридан баҳоласак — у ўз вақтида муҳим роль ўйнади ва ўз вазифасини бажарди. Ана шу депутатлардан таркиб топган Парламент ҳам ўзини оқлади. Умуман жаҳон ҳаритасида пайдо бўлган яна бир мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси тарихи ҳар гал эсланганда шу Парламент шаклланишига қонуний асос бўлиб хизмат қилган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови ҳақида»ги Қонун, шу Парламентда қабул қилинган Мустақиллик Декларацияси, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти, ўз Конституцияси, Байроғи, герби, мадҳияси ва яна кўп қадриятларимиз ёдга олинади. Назаримда ана шу чақириқда депутат бўлган сафдошларимиз, давлат раҳбарлари ҳам бу кунларни сира ёддан чиқаришмайди. Лекин инсон доим олга интилади. Ҳаёт ўз талабларини қўяди. Шу боисдан ҳам биз ўзгармас догматик қаричларни инкор этаяпмиз, янги қонун устида иш олиб бораяпмиз.

Аввалги сайлов қонунидан фойдаланилдими ёки ундан бутунлай воз кечилдими деган саволга шундай жавоб бермоқчиман. Назаримда ҳеч бир таълимотни, қоидани ва воқеликни бутунлай қайта қуриш, яна таъкидлайман бутунлай қайта қуриш тўғри эмас. Унга бироз ишлов бериш, такомилига етказиш, давр талабига мослаш лозим. Шу нуқтаи назардан ишчи гуруҳи аввалги қонуннинг айрим қоидаларини сақлаб қолишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Масалан, овоз бериш вақти (7 дан 22 гача), сайловчиларнинг рўйхатини тузиш тартиби, бюллетенда кўрсатилган номзодни ўчириш ёки қолдириш, округ ва участка сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, овозларни ҳисоблаб чиқиш тартибини, бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказиш ва бошқа бир қатор партибларни ўз ҳолича қолдириш таклиф қилинди. Сабаби — халқимиз шуларга ўрганиб қолган ва уни албатта ўзгартиришга зарурат йўқ. Айни бир вақтда янги қонун лойиҳасининг структураси ва унинг асосий қоидалари эски қонундан мутлақо фарқ қилади. Хўш, буни нималарда кўриш мумкин?

Биринчидан. Парламент сайлови кураши илк бор кўп партиявийлик асосида ўтказилади. Бу ўта муҳим жиҳатдир.

Иккинчидан. Сайлов кампанияси муддатини 4 ой ўрнига 2 ой қилиб белгилаш мўлжалланмоқда.

Учинчидан. Сайлов округлари ташкил этишнинг меъёрлари ўзгартирилади. Ҳозир бизда ҳар бир сайлов округига 20 минг сайловчи тўғри келади. Энди эса 70 минг сайловчи қилиб белгилаш мўлжалланмоқда.

Тўртинчидан. Номзодларни танлаб олиш тартибини сиёсий партияларнинг ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг ўзлари белгилайди. Сайловда иштирок этувчи барча партиялар Марказий сайлов комиссиясига маълум қилишлари шарт. Бунинг маъноси шуки, агар сайловда иштирок этиш учун иккита-учта партия рўйхатдан ўтган бўлса, ҳар бир округда Олий Мажлис депутатлигига иккита ёки учта кишининг номзоди қўйилади. Яъни, ҳар бир конкрет округда ҳар бир партиядан биттадан номзод бўлади.

Сайлов округлари Марказий сайлов комиссиялари томонидан сайловчилар миқдорига қараб ташкил қилинади. Тахминий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, бир округ ҳисобига сайловчилар меъёри 70 минг чамасидаги сайловчини ташкил этади. Бунинг маъноси шуки, агар, масалан, Андижон вилоятида 930 минг сайловчи бор бўлса, ушбу вилоят ҳудудида 13 та сайлов округи ташкил қилинади ва ҳар биридан биттадан депутат сайланади.

Қонун лойиҳасидаги мутлақо янги жиҳатлардан яна бири — Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси (Олий Кенгаши), халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тимсолидаги жойлардаги вакиллик органлари ҳам депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга эканлигидир. Бизнингча, бу меъёр шароитимизга татбиқан ниҳоятда тўғридир. Мазкур меъёр Олий Мажлисга фақатгина партияларнинг эмас, балки халқимизнинг жойлардаги манфаатларини ифодалайдиган депутатларни сайлаб қўйиш имконини беради.

Номзод кўрсатиш натижасида сайловда қатнашувчи партиялар сонига қараб, ҳар бир муайян округда битта-иккита ва бундан ҳам кўп номзод овозга қўйилган бўлиб чиқиши ва ҳокимиятнинг вакиллик органларидан битта номзод қатнашиши мумкин.

Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчилар овозининг ярмидан кўпроғини олган депутатликка номзод сайланган ҳисобланади. Қонун лойиҳасида биринчи давра сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаган тақдирда такрорий овозга қўйиш ва такрорий сайлов ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Сайлов кампаниясини маблағ билан таъминлаш негизини давлат маблағлари ташкил қилади. Айрим номзодларни қўллаш учун қандайдир бошқа маблағлардан фойдаланиш тақиқланади. Шу билан бирга, Қонун лойиҳасида партиялар, корхоналар, муассаса ва ташкилотлар ихтиёрий равишда ўтказадиган маблағлар Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилиб олиниши ва сайлов кампаниясида ишлатилиши кўзда тутилган.

— Республикамизда шундай йирик жамоалар борки, (масалан авиасозлар бирлашмаси, тўқимачилар комбинати, ТошДУ ва ҳоказолар), улар айрим партияларнинг аъзоларидан ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Лекин улар ўз вакилини депутатликка номзод қилиб кўрсатиш имконидан маҳрум. Шу тўғрими?

— Бир қаращда жамоалардан номзод кўрсатиш тартибини албатта сақлаб қолиш шартдек туюлади. Лекин, келинг, шошилмай ҳар бир субъектни алоҳида кўриб чиқайлик.

Тўқимачилик комбинати, ёки бирлашма ва бошқа жамоаларнинг исталганини мисолга олайлик. Уларнинг асосий мақсади нима? У ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, ўз меҳнат жамоасининг иш шароитини яхшилаш, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва даромад ортириш. Ана шу масалаларнинг биронтасида ҳам уларнинг ҳуқуқлари, имкониятлари чекланган дейишга мутлақо асос йўқ. Корхоналар тўғрисидаги қонунда ҳам, пенсия таъминоти ҳақидаги қонунда ҳам, яна бир қатор қонунларда ҳам шу ҳуқуқ ва эркинликлар мустаҳкамлаб қўйилган. Лекин гап сайлов ҳақида кетаяпти.

Энди партиялар масаласига қайтайлик-да уларинг мақсадларини қараб чиқайлик. Хўш, сиёсий партияларнинг мақсади нима? Ўз уставида назарда тутилган сиёсатни илгари суриш ва унинг кенг кўламда тан олинишига интилиш, парламентдаги ўз аъзолари орқали шу сиёсатни юритиш, агар лозим бўлса парламентдаги мутлақ кўпчиликни ташкил этиш орқали Конституциявий йўл билан ҳокимиятни қўлга олиш. Барча ривожланган мамлакатларда ана шу қоида тан олинган ва амал қилиб келаяпти. Шу сабабли ҳам қонунда номзод кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партияларга ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига берилаяпти.

Назаримда қонун лойиҳасининг диққатга сазовор энг муҳим жиҳатларидан бири ҳам шунда. Эътибор беринг: мустақил давлатимизда илк бор гегемон партия раҳбарлигида эмас тенг ҳуқуқли партиялар рақобати асосида Олий Мажлисга сайлов ўтказиляпти. Барча сиёсий партияларга номзод кўрсатиш, сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи берилаяпти. Исталган ривожланган мамлакатни мисолга олсангиз парламент сайлови курашида — сиёсий партиялар куч синашади. Бутун дунё томонидан ўта демократик руҳда эканлиги эътироф этилган Конституциямизнинг 77-бандида ҳам Ўзбекистонда Олий Мажлисга сайловлар кўп партиявийлик асосида ўтиши мустаҳкамлаб қўйилган. Шу сабабли ҳам бу борада сиёсий партияларда устуворлик бор.

— Навбатдаги савол 49-моддага тегишли. Унинг мазмуни ҳам, моҳияти ҳам бизнинг қонунчилик тажрибамизда янгилик бўлса керак. Лекин жаҳон сайлов тажрибасида шу нормалар мавжудми? Умуман нега шундай талаблар қўйилади?

— Модданинг мазмунини қисқа қилиб баён қилсам, у тахминан шундай: бир партиянинг барча номзод депутатлари тўпланган жами овозлар республикадаги барча сайловчиларнинг саккиз фоизига тенг бўлмаса — уларнинг бирортаси ҳам депутат этиб рўйхатга олинмайди. Бу қоидани чеклаш деб қаришдан аввал умуман қонун лойиҳасига қайтайлик. Биринчидан, ҳар бир сиёсий партияга бир эмас 150 округдан номзод кўрсатиш ҳуқуқи берилаяпти. Иккинчидан, ҳеч қандай шартлар қўйилмаган ҳолда уларга номзод танлаш тартибини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилаяпти. Учинчидан, тарғибот борасида ҳам, телевидение, радио ва газеталардан фойдаланишда, маблағлар тақсимотида ҳам тенг шароитлар кафолатланаяпти. Демак, ҳеч қандай камситиш ёки чеклаш йўқ.

Юридик ибора билан нега квота ўрнатилди деган масалага келсак, шундай деб жавоб бериш мумкин. Суҳбатимиз бошида мен айтиб ўтгандим: лойиҳани тайёрлашдан аввал биз Олмония, Англия, Туркия, Австрия, Швеция, Италия, Малайзия, Польша каби мамлакатларнинг, Болтиқбўйи давлатлари, Россия, Украина ва бошқа бир қатор давлатларнинг сайловга доир қонунларини ўрганиб чиқдик. Яна такрорлайман: бу қонун жуда муҳим ва уни тайёрлаш ҳам шунга яраша қийин ва мураккаб бўлди. Ана шу давлатларнинг аксарият кўпчилигида шундай квоталар белгиланган. Лекин кўрсаткичлар турлича: қаердадир 12 фоиз, яна қаердадир 7 фоиз. Нега мезон турлича деган савол туғилиши мумкин. Бу аввало сиёсий партиялар сонига боғлиқ. Улар кўпайган сари квотани ҳам пасайтиришни кейинчалик кўриб чиқиш мумкин.

Бизда эса ҳозирча сиёсий партиялар унчалик кўп эмас. Шу боисдан квота саккиз фоиз деб белгиланди. Ана шу миқдордаги овозни тўпламаган номзодлар нега депутат бўлмайди? Менинг назаримда Республика аҳолисининг лоақал саккиз фоизи ўртасида ҳурмат қозона олмаган сиёсий партия ҳокимиятнинг мўътабар Олий органида ўз вакилига эга бўлиши — мантиққа зиддир. Бу албатта бир депутат сифатидаги фикрим. Лекин иккинчи ўқишда Қонун қай кўринишда қабул қилинишини — парламент ҳал қилади.

— Қонун лойиҳаси бўйича келаётган хатлар оқими орасида «сайловлар тизимини ўзгартиришга шошмаяпмизми, бугун уни қабул қилиб эртага тузатишлар киритишга тўғри келмасмикан» деган мазмундаги саволлар ҳам бор...

— Тўғри, жуда муҳим ва мураккаб Қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳақида гап кетар экан, ҳеч ким кескин бир фикрни айтишда шошма-шошарлик қилмаслиги лозим. Лекин сайлов тизимини ўзгартиришга шошилаяпмиз, деган фикрга ҳўшилмайман. Ўзингиз ўйлаб кўринг: парламентнинг махсус ишчи гуруҳи бир неча ойдан бери тинимсиз шу лойиҳа устида ишлади. Бутун бошли давлатнинг Президенти масала моҳиятига алоҳида эътибор бериб, бу Қонун яралишида шахсан иштирок этди. Халқ сайлаб қўйган Парламент уни биринчи ўқишда қабул қилди. Энди умумхалқ муҳокамаси кенг қулоч ёзаяпти. Демак, шошмаяпмизми деб хавотирланишга мутлақо асос йўқ.

«Бугун уни қабул қилиб, эртага тузатишлар киритишга тўғри келмасмикан» деган саволга эса — агар лозим бўлса, бундан халқимиз манфаатдор бўлса шундай қиламиз» деб айтмоқчиман. Қолаверса, ҳаёт ўзгаравераді, шароит ўз шартларини қўяверади, замон ўзгаради, ахир аввалги қонун ўрнига янги сайлов қонунини муҳокама қилаётганимизнинг ўзи фикримизнинг далили эмасми? Умуман савол оптимистик руҳ билан йўғрилган бўлса — жавоб шу.

Лекин бу саволда қандайдир хадиксираш, ортиқча эҳтиёткорлик аломатлари бордек туюлади. Агар шундай бўлса мен ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Олий Кенгаш сессиясида баён этган қуйидаги сатрларни эслатмоқчиман:

«Бугун — катта синов даври. Бугун Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар бир инсон ўз виждони олдида жавоб берадиган давр. Шундай бир даврда сафларимиз янада жипсроқ бўлиши керак. Эски замон яна қайтса нима қиламиз деб юрак ҳовучлаб, тиззаларни қалтираб ўтирган ожиз кимсалар билиб қўйсин: эски тузум қайтмайди, қайтиши мумкин ҳам эмас!».

Дарҳақиқат бугун — катта синов даври. Бу даврда, имкониятлар, мустақилликдаги илк қадамлар, даврнинг машаққатлари ва шиддатлари — эртага қайтиб келмайди ва такрорланмайди. Ана шу янгиликларнинг, ҳурликнинг, эркинлик ва озодликнинг баҳорий қалдирғочлари сифатида — бизни эслашади. Мустақил давлатимизнинг эртанги истиқболини эса «ожиз кимсалар» эмас Президентимиздек мард ўғлонлари белгилаб беришини жуда яхши биламиз. Бу шунчаки айтилаётган қизил гаплар эмас. Вақт деган янглишмас ҳакам бор. Вақт ўтиши билан тарих бу воқеаларга, бу жасоратли кунларга муносиб баҳосини беради. Ва ишончим комилки, ана шу қонун лойиҳаси ҳам ўшанда алоҳида ўрғу, ифтихор билан ёдга олинади.

— Эркин Ҳамдамович, суҳбат учун Сизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Аввало, туғилган саволлар, тушунмовчиликлар ана шу суҳбатдан сўнг ўз ечимини топишига ишонамиз. Сизга ва Сиз орқали мустақил Ўзбекистон Парламентининг барча аъзоларига қонунчилик ишида муваффақиятлар тилаймиз ва биз журналистларга ҳамда газетхонларга сўнгги истакларимизни билдиришингизни илтимос қиламиз.

— Аввало, Қонун лойиҳасига қизиқиш катталиги мени қувонтираяпти. Бу эса республикамиз аҳолиси эртанги кунга ишонч билан яшаётганлигининг, эртанги кун қонунлари қандай бўлишига лоқайд қарамаётганлигининг биринчи белгисидир. Бу — жуда қувончли воқеа. Лекин биргина шу суҳбат давомида барча саволлар ўз ечимини топди деган фикрдан йироқман. Ҳаммамиз қонунчилик фанини, эркин парламент ишини эндигина ўрганаяпмиз. Тажриба бироз камроқ. Лекин «Тажриба — қилинган хатолардан чиқарилган тўғри хулосаларнинг мажмуаси» деган гап бор. Эҳтимол лойиҳада қандайдир жузий камчиликлар бордир, жумлалар таҳрир талабдир. Балки уни янги моддалар билан тўлдириш керакдир. Келинг, бу масаланн Ўзбекистон халқи ҳал этсин. Сиз журналистлардан илтимосим эса — ана шу лойиҳа муҳокамасига кенгроқ ўрин беринг. Токи, эртага Парламент қандай бўлади, деган масала кўндаланг тургани сезилиб турсин.

Қариялар жамиятимиз файзи

(ХАЛҚАРО ҚАРИЯЛАР КУНИ ОЛДИДАН)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташаббуси билан 1992 йилдан бошлаб 1 октябрь «Халқаро қариялар куни» деб эълон қилинди. Бу бутун жаҳон ҳамжамиятининг қариялар ва ногиронларга кўрсатаётган эътибор, ғамхўрлиги нишонасидир.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган, аҳолининг, айниқса, нафақа олувчи кексаларнинг, ёлғиз яшаётган кишиларнинг турмуш шароитларида турли қийинчиликлар юзага келаётган бугунги кунда меҳнат ва уруш ногиронлари, ҳурматли оқсоқолларимизга эътибор жуда-жуда зарур бўлиб қолди.

Ҳозир республикамизда 2 ярим миллионга яқин ҳамма тоифадаги нафақа олувчилар, шулардан 1 млн. 600 мингдан ошиғроғи нафақа ёшидагилар, 120 минг нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва улар имтиёзига тенглаштирилган нафақа олувчилар, 210 мингдан ошиқ фронт ортида меҳнат қилган қарияларимиз истиқомат қилишади. Нафақа ёшидаги 200 мингдан ошиқроқ киши ўз меҳнат фаолиятларини турли доираларда давом эттиришмоқда.

Ҳозир 8 мингга яқин бошланғич фахрийлар ташкилоти ўз сафига Қуролли кучлар, меҳнат ва уруш фахрийларини бирлаштирган. Бундан ташқари 175 туман ва 39 шаҳар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва 12 вилоятда фахрийлар Кенгаши фаолият кўрсатяпти.

Агар ҳозирги фахрийларга бир назар ташлайдиган бўлсак, улар чеҳрасида ўттизинчи йилларнинг машаққатлари, уруш даврининг қийинчиликлари қолдирган асоратларни илғаймиз. Чунки бугунги нафақа ёшидаги қарияларимиз қатағонлик даври зулмларини, урушнинг даҳшатларн-ю, фронт ортидаги заҳматли меҳнатни ўз бошидан кечирганлар. Улар бир умр халқ, Ватан озодлиги йўлида тинимсиз меҳнат қилган кишилардир. Шунинг учун ҳам, улар, фақатгина қария ёки фахрийлар эмас, балки кечаги кунимизнинг гувоҳлари, собиқ Иттифоқ даврида барча тарихий жараён қатнашчиларидир. Улар бугунги ёшларга ўз донишмандликлари, ҳаётга, келажакка ишончлари, қийинчиликларга бардошлилиги, жамият олдидаги бурч ва масъулиятга содиқлиги билан ўрнак бўлучи авлоддирлар.

Президентимиз И. А. Каримов Республика Олий Кенгашининг қатор сессияларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мустақиллик ва ислоҳотнинг асосини ташкил этишини жуда кўп таъкидлаб ўтдилар. Қолаверса, Мустақиллик шарофати туфайли, Президент, Республика ҳукумати халқимизни, айниқса уруш ва меҳнат фахрийлари турмуш шароитларини яхшилаш борасида икки йилдан буён катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бунга ўтган икки йил давомида чиқарилган қатор фармонлар асос бўлиши мумкин. Булардан ташқари, уруш ва меҳнат фахрийлари, урушда ҳалок бўлганларнинг оилалари, ёлғиз яшовчи кишилар республика ҳукуматининг махсус қарорига кўра қатор имтиёзлардан фойдаланишяпти.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни давлат ўз зиммасига олганлиги туфайли, бизда бошқа ҳамдўстлик мамлакатларига қараганда халқнинг турмуш шаронти нисбатан яхши. Нафақалар, иш ҳақлари оширилмоқда. Масалан, Президентимизнинг куни кечаги фармонига биноан шу йил 1 сентябрдан бошлаб Меҳнат нафақасининг энг оз миқдори ойига 14,625 сўм қлиб белгиланди ёки барча турдаги нафақалар миқдори 1,2 бараварга оширилди. Ҳа, аҳолига ғамхўрлик бугунги ислоҳотнинг асосини ташкил этмоқда. И. А. Каримов ўз нутқларидан бирида: «Агар биргина шу йилги меҳнат ҳақи, нафақалар миқдори, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, нарх-наво маромини изга солиш борасида давлат мўражатларини ҳисоблайдиган бўлсак, бу 800 миллиард сўмга яқиндир», деган эдилар.

Республика Олий Кенгашининг XIII сессиясида қабул қилинган фуқароларни давлат нафақалари билан таъминлаш ҳақидаги Қонун ҳам республика раҳбарияти ва ҳукуматининг қарияларга кўрсатган ғамхўрлигидир.

Ўзбекистондаги жамики кексалар, отахон, онахонлар, нафақа олувчи кишилар Ислом Каримовдан, республика Олий Кенгаши ва ҳукуматидан кўрсатилаётган эътибор, меҳрмурувват учун бир умр миннатдордирлар. Улар Ўзбекистоннинг миллионлаб халқлари қатори, бугунги олиб борилаётган сиёсатни, халқ ҳўжалиги, фан, санъат ва маданият соҳаларидаги ислоҳотни қўллаб-қувватлайдилар ва Ўзбекистон мустақиллигининг равнақ топишида қўлларидан келган жамики эзгу ишларни қилишга тайёрдирлар. Чунки, бугунги сиёсий жараён ҳар кимдан ўз қобилиятига яраша ишлашни, мустақилликни янада равнақ топиши учун тинимсиз изланишни талаб қилмоқда. Ана шундай бир шароитда биз кексаларнинг қўл қовуштириб туришимиз ярашмайди. Президентимиз ва ҳукуматимиз билан бир сафда турган ҳолда, мустақиллигимизга раҳна солувчи ҳар қандай қора ниятли кучларни, фитна-ю, бўҳтонларни даф этишда, ақлимиз, маслаҳатимиз, кучқувватимиз билан доимо биргамиз.

Республика фахрийлар ташкилотлари халқаро айём олдидан ўз ишларини шакллантириш, қариялар турмуш шароитини яхшилаш, уларга тиббий, маиший, ва савдо хизматлари кўрсатиш савиясини ошириш борасида ҳайрли тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳозир 2 млн. 500 минг нафар фахрийларнинг 60 фоиздан ошиғи 70 ва ундан зиёда ёшдаги қариялардир. Уларнинг 14 минг нафари ёлғиз ва кекса ёшдаги, қайсики, алоҳида тарбия ва ёрдамга муҳтож қариялардир. Уларга ҳар томонлама кўмаклашиш, оғирини енгил қилиш, фахрийлар ташкилотларининг биринчи галдаги вазифасидир. Ҳозирги кунда жойлардаги ташкилотлар фахрийларни нафақа билан таъминлаш қандай йўлга қўйилганлиги, кам таъминланган оилаларга, корхона ва ташкилотлар, жамоа ва давлат хўжаликлари ҳисобидан қўшимча ёрдам уюштириш, фахрийларга арзон нархдаги кийим кечаклар сотувчи махсус дўконлар ва алоҳида бўлимлар очиш, қишлоқ жойларидаги қариялар ҳонадонини ёқилғи билан таъминлаш борасида иш олиб бормоқда. Лекин бу вазифаларни уддалашда, бизга жойлардаги ҳокимиятлар, давлат ташкилотларининг ҳамкорлиги, қўллаб-қувватлаши жуда-жуда зарур.

Бугунги фахрийларимиз, кечаги деҳқонлар, уста пахтакорлар, боғбонлар, фабрика ишчилари, устозлар, қўли гул ганж ва ёғоч усталари ҳуллас касбкорли кишилар. Агар бугунги ёшлар мойиллик билдиришса фахрийларимиздан жуда кўп нарса ўрганишлари мумкин. Бундан ташқари фахрийларимизнинг халқ амалий санъатини ривожлантириш, ҳунармандчиликни, миллий анъаналарни жонлантиришга жалб этишимиз лозим. Қарияларимиз бизнинг фахримиз, жамиятимиз, кўрки бўлиши билан бир қаторда битмас-туганмас бойлигимиз, аҳли донишмиз ҳамдир.

Халқимиз орасида унутилган анъаналаримиз жуда кўп. Шулардан бири, қишлоқларимиз кўрки бўлган дарахт-кўчатларни экиш, уларни парваришлаб боғ-роғлар бунёд этишдир. Фахрийларимизни ана шу ишга бош-қош бўлишга жалб этиш билан, биз неча ўн йиллар давомида йўқ бўлиб кетган серҳосил боғларимизни, ҳар бир қишлоқни ўз уй жойлари қурилишига етгулик миқдордаги тол ва теракзорларимизни қайта тиклаб олишимиз мумкин. Чунки, бугунги ёшларимизга бу ишда маслаҳат, бош-қош бўлиш ниҳоятда зарур.

Сўзим сўнггида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан эълон қилинган «Халқаро қариялар куни» нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини, фахрийларимиз, отахону онахонларимизга бўлган эътибор бугун нечоғлиқ зарурий шароит бўлиб қолганлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки, уларга қилинган ҳар бир эътибор, айтилган бир ориз ширин сўз, совға-саломлар улар саломатлиги, улар қунончи демакдир.

Қарияларимиздан, ота-онамиздан, қишлоқ, овул, маҳалла, оқсоқолларидан ширин сўзимизни, ҳиматимизни, меҳримизни аямайлик!

Бектош РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари республика иттифоқи кенгашининг раиси.

ХОРАЗМ ГАЗЧИЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

ХОРАЗМДА қўш тантана. Воҳа аҳли истиқлолимизнинг муборак икки йиллиги билан бирга вилоятда газлаштириш ишлари бошланганлигининг 30 йиллигини ҳам тантанали нишонладилар. Тўй муносабати билан жойларда дилтортар учрашув ва кечалар уюштирилди. Фахрийлар, тармоқ фидойилари, марҳумларнинг оилаларига совға саломлар улашилди, 30 йиллик тарихни акс эттирувчи суратлар кўргазмаси ҳозирланди, лавҳа ва ҳикоялар китоби чоп этилди.

Элда «Ризоингни сот равшан ол», деган ҳикматли мақол бор. Унинг маъноси теран: равшанлик ҳам ризо каби табаррук ва ҳаётий зарур неъмат. Шундай ажойиб бойликни ирод этаётганларга ҳорманг ва тасанно айтмай бўларканми?

Ф. ЯЛДОШЕВ,
ТошДД журналистика факультети талабаси.

• *Биз ва жаҳон*

МАКТУБ-ЯРИМ ДИЙДОР

Узбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг хорижий мамлакатларга мўлжалланган радиоэшиттиришлари дунёнинг турли бурчакларида ўзбек, уйғур, инглиз, турк, араб, форс, пушту, дари, ҳинд, урду ва бошқа тилларда янграмоқда. Эшиттиришларнинг бош мавзусини мустақил республикамизда содир бўлаётган муҳим сиёсий ва иқтисодий, маънавий ва маърифий воқеалар, демократия, ҳамкорлик, дўстлик ва яхши қўшничилик алоқалари ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Президентимиз Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига қилган расмий сафаридан сўнг хитой тилида ҳам эшиттиришлар берила бошланди. Эндиликда миллионлаб чиниликлар Тошкент радиоси орқали мамлакатимизда юз бераётган сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар ҳамда халқимиз фаровонлиги йўлида қилинаётган ишлардан бохабар бўлишмоқда.

Яқинда Тошкентда меҳмон бўлган Бутунхитой халқ вакилларн қурилтойи доимий қўмитаси раисининг муовини Темир Давоматнинг мана бу сўзи киши қалбини қувонтиради: «Биз Узбекистон халқининг Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мустақил бўлгандан кейин қисқа давр — икки йилга яқин вақт мобайнида ўз ватанининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ бахт-саодати йўлида қилаётган ишларини кўриб, жуда хурсанд бўлдик. Узбекистон мустақилликкка эришгандан кейин бизнинг дўстлигимиз янги поғонага кўтарилди. Мен бу мустақилликни чин қалбимдан табриклайман».

Бундай табриклар узоқни яқин қилган мактубларда ҳам ўз ифодасини топган. Мустақиллигимизнинг икки йиллик байрами арафасида хорижий радиотингловчилардан деярли ҳар куни табрик хатлари келиб турди. Масалан, ҳиндистонлик мухлисимиз Кришна Мурари Сингх, Узбекистон мустақиллигини янги қўёшга ўхшатиб: «Ўзбекистон халқи ҳаётида янги давр бошланди. Президент ва ўзбек халқи ишонч билан мустақиллик йўлидан жадал қадам ташламоқда. Ўзбекстон тинчлик ва дўстлик ғояларини илгари сурмоқда», деб ёзса, АҚШлик радиотингловчи Алан Макнаб: «Ўзбекистонда юз бераётган воқеалар билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент радиосидан берилаётган эшиттиришларни мунтазам тинглайман. Ўзбекистонда содир бўлаётган ўзгаришлар менда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистон халқига янги жамият қуришда катта ютуқлар тилайман», дея нома йўллаган.

Шинжонг Уйғур Мухтор районининг Оқсу туманида истиқомат қилувчи радиотингловчи Матниёз Ҳурматулло бундай ёзади: «Мен даставвал улуғ Ўзбекистон халқига юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман. Давлатларингизнинг мустақиллигини қизғин табриклайман. Улуғ давлат арбоби Ислом Каримовга юксак ҳурматимни билдириб, соғ-саломатлик тилайман. Давлатингизнинг янада қудрат топиши, халқларингизнинг бахтиёр ва фаровон ҳаёт кечиришига тилакдошман. Халқларнмиз ўртасндаги дўстликнинг ривожланишини орзу қиламан. Бундай дўстликни уйғур ва ўзбек халқлари кўпдан орзу қилган эди».

Уйғур тилида радиоэшиттиришлар муҳарририятига келган яна бир мактубда Оқсу туманидаги мактабларнинг бирида ўқитувчи бўлиб ишлаётган Юсуфжон Исмоил бундай ёзади: «Тошкент радиоси биз учун Ўзбек халқи, Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллат намоёндалари ва хусусан, уйғур халқининг ҳаёти ҳақида маълумотлар бериб келаётган ягона ахборот манбаидир. Биз ўзбек қардошларимиздан чексиз миннатдормиз. Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигини қизғин муборакбод этамиз».

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, ҳозир Республика радиосининг хорижий мамлакатларга радиоэшиттиришлар муҳарририятларига келаётган мактубларнинг кети узилмаяпти. Бу мактубларнинг аксарияти Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан ёзилган бўлиб, уларда мухлисларимизнинг дил сўзлари, табрик ва истаклари изҳор этилган.

Айни кунларда эса мазкур муҳарририятлар дастуридан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга бағишланган радиофестиваль эшиттиришлари ўрин олди. Шуннингдек, юртимиз равнаки йўлида муносиб ҳисса қўшган тарихий шахслар ҳақида ҳикоя қилувчи «Мустақиллик юлдузлари» туркумидаги радиофильмлар ҳам тайёрланди. Буюк саркарда, соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абу Али ибн Сино, ва Бобур каби шахслар ҳақидаги радиофильм айниқса диққатга сазовордир. Истиқлол байрами арафасида эса, Республикамиз Президенти Ислом Каримов ҳақида «Президент билан мустақиллик йўлидан» деган радиофильм эфирга берилди.

Қувонарлиси шундаки, Тошкент радиосида йил бошидан эътиборан хорижий мамлакатлардаги радиотингловчиларни кенг жалб қилиш мақсадида «Камолот сари», «Мустақиллик йўлидан», «Шарқнинг ўлмас даҳолари», «Сиз мустақил Узбекистон ҳақида нималарни биласиз?», «Аҳмад Яссавий ва уйғур адабиёти» мавзуларида радиомусобақалар эълон қилиниб, унинг иштирокчиларига ёрдам тариқасида ушбу мавзуларда эшиттиришлар ҳам ташкил қилинмоқда. Мусобақа саволларига йўлланилаётган жавоб мактублари мухлисларимизнинг Тошкент радиоси эшиттиришларини доимий равишда тинглаб бораётганларидан далолат беради.

«Мактуб — ярим дийдор», дейди халқимиз. Республика радиосининг хорижий мамлакатларга эшиттиришлар ходимлари узоқ ва яқин ўлкалардаги муҳтарам радио мухлисларидан, ватандошларидан мактублар олар эканлар, бошлари кўкка етиб, улар билан дийдор кўришгандай бўладилар.

Ясин МИРЗАЕВ,
Узбекистон телерадиокомпанияси хорижий мамлакатларга радио-эшиттиришлар бош муҳаррири.

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАДИ

ЁКИ ВАЗИР ТУПЛАГАН МАҚОЛАЛАР

Узбекистон Республикаси мелиорация ва сув хўжалиги вазири Рим Гиниятулин Жиззах вилоятининг Зомин туманида туғилган. У кишининг бутун меҳнат фаолияти ер ва об-ҳаёт билан боғлиқ. Оддий миробликдан мелиорация ва сув хўжалиги вазиригача бўлган ҳаёт йўлини босиб ўтган Рим Абдулович, юрт қадрини, ота заминимиз ва дарёю анҳорларимиз аҳамиятини жуда яхши билади. Бу меҳнаткаш инсон иш вақтини вабинетида эмас, кўпроқ далаларда, дарё ва каналлар, сув омборларию Орол денгизи бўйларида ўтказадилар. У киши ҳар томчиси олтинга тенг бўлган сувни исроф қилмасдан, тежаб-тергаб фойдаланиш, уни ифлослантирмаслик, умуман об-ҳаётни муқаддас билиш ҳар бир инсоннинг вожибий бурчига айланишини орзу қиладилар. Шу боис бўлса керак узоқ йиллардан буён сув ҳақидаги ўзбек халқ мақолларини йиғиб, уни оммa ўртасида тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатиб келмоқдалар. Бугун муштарийлар, эътиборига у киши тўплаган мақолларнинг бир қисмини ҳавола этямиз.

СУВ ҲАҚИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛАЛАРИ

Сувни берсанг элга, яшнарсан минг йилга.

Сувнинг оқишига қара, халқнинг ҳоҳишига...

Инглаб-инглаб ариқ қазсанг, қулиб-кулиб сув ичарсан.

Ер-Она, Сув-Ота, Меҳнат-бойлик.

Сув ўз йўлини топар.

Сел—ариқни бузар, ёмон сўз — дилни.

Сувни севган сув келтирар, сўзни севган сўз келтирар.

Дўст дўстга боқар, сув сойга оқар.

Тотли сув тошдан чиқар, яхши ақл — бошдан.

Сув келтирар мард киши, экин экар ҳар киши.

Сувсиз ерда тол бўлмас, қовоқаридан бол бўлмас.

Қамиш сувга тўймас, хассис — пулга.

Сувни чим тўхтатар, сўзни — чин.

Даштда юрсанг, сув қадри ўтар, ёр билан уришсанг, ёр қадри...

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ.

Эл қадрини эл билар, сув қадрини — ер.

Дарё суви оқа-оқа тозарар.

Сувсаганга сароб сув бўлиб кўринар.

Сув ичганда, ариқ қазиганни унутма.

Сувни ич, чашмани булғама.

От айланиб қозиғини топар, сув айланиб — ёрғини.

Оққан дарё оқади.

Тома-тома кўл бўлар, томмай қолса, чўл бўлар.

Отанг мироб бўлса ҳам, ариқни тозалаб ич.

Вақт тоғни емирар, сув тошни кемирар.

Сувсиз ер — мозор, сувли ер — гулзор.

Хос хосни топар, сув пастни...

Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак.

Ер — хазина, сув — гавҳар.

Ерни бузадиган ҳам сув, тузадиган ҳам сув.

Сув — зар, сувчи — заргар.

Сув келди — нур келди.

Сувсиз ер — жонсиз жасад.

Эл ҳаёти ер билан, ер ҳаёти сув билан.

Ҳосилнинг отаси — сув, онаси — ер.

Сувсиз ерда тол бўлмас, қаримаган чол бўлмас.

Сойда ётма, сел олар, қирда ётма, ел олар.

Сув бор ерда ҳаёт бор.

Чилла суви — тилла сувн.

ТИЛ ДАРАХТИМИЗИНИ АСРАЙЛИК

ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДА ҚОНУН ЧИҚҚАНИГА ТЎРТ ЙИЛ БЎЛДИ.

Бугун, мустақиллигимизнинг уч йиллигига дадил қадам қўйган кунимизда, истиқлол барча жабҳа сингари, тилда ҳам мустақилликка эриша бораётганимизни мамнуният билан эътироф этиш лозим.

Тилга эътибор давлат иши даражасига кўтарилгани, махсус ҳукумат комиссияси бу борада серунум иш олиб бораётгани, атамақўм ишлаб тургани бу фикрнинг далилидир.

Аммо, тил мустақиллигига эришиш иқтисодий мустақилликкa эришишдан мураккаб бўлса мураккабки, осон жараён эмаслиги, бу борада ҳукумат доирасидаги ишларнинг ўзигина кифоя қилмаслиги, бу иш барчадан ҳақиқий фидойилик талаб этиши, бироқ, бугунги кунда шу фидойилик етарли даражада намоён бўлмаётгани туфайли, айрим мулоҳазалар билан ўртоқлашишни лозим топдим.

Тил — жонли мавжудот. Бу ўринда уни дарахтга қиёс қилсак бўлади. Ўзбек тили узоқ йиллар давомида рус тилидек улкан чинор соясида қолиб келгани, яъни офтобдан бебаҳра бўлгани сабабли нимжон, рангпар ниҳолга айланиб қолган эди. Мана, мустақиллик туфайли тил дарахтимизга офтоб тегди. Энди уни узоқ йиллик соя асоратидан халос қилиб, тарбиялаб, чиниқтиришимиз, улкан дарахтга айлантириш чораларини кўришимиз керак.

Хўш, бу вазифани қандай бажаряпмиз?

Тил мустақиллигига ўтиш бозор иқтисодиётига ўтиш даврига тўғри келди. Ўтиш даври қийинчиликлари билан боғлиқ сабабларга кўра, ҳозир одамлар китоб ўқишдан бироз «Ўзларини тийиб» туришибди. Улар ҳозир оммавий ахборот воситалари билангина «ошиа». Шундай экан, тил мустақиллиги йўлидаги асосий масъулият оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига тушади.

Бироқ, назаримда, биз— оммавий ахборот воситалари ходимлари бошиданоқ ончалик тўғри йўлни тутмаганга ўхшаймиз. Биз қонун чиққанидан кейин бир ёт сўзни бошқа ёт сўзга алмаштириш билангина банд бўлиб қолдик. Табиат ва жамият қонунини унутиб қўйдик. Ваҳоланки, ер юзида ҳеч ким ва ҳеч қандай мавжудот бошқалар билан мулоқот қилмасдан, ўз қобиғигагина ўралиб яшай олмайди.

Аслида биз бошидан соя таъсирида нимжон бўлиб қолган дарахтимизни парваришлаш, яъни унинг тупроғини юмшатиб, суғориб, чуқурроқ, мустаҳкамроқ илдиз отишига, шу билан танасининг бақувват бўлишига эришиш йўлини қидиришимиз керак эмасмиди? Ҳар қандай жисм сингари, тилимиз жисмини соғломлаштиришдан бошлашимиз керак эмасмиди ишни? Биз эса, менимча, «Қош қўяман деб кўз чиқариш» йўлидан боряпмиз, яъни тил дарахтимизни жисмонан бақувват қилиш ўрнига, ундаги айрим япроқларни бошқа япроқлар билан алмаштиряпмиз, холос. Бундан ташқари, дарахтимизнинг бошқа дарахтлар билан «мулоқот» қилишига, яъни табиат тили билан айтганда, ўсишнинг муҳим омили ҳисобланган **чангланишига** тўсиқ бўляпмизки, бунн асло кечирарли ҳол, деб бўлмайди.

Шуни айтиш керакки, бир ибора ўрнига бошқа ибора ишлатиш, яъни «япроқшунослик»да ҳам изчил эмаслигимизни, ўта нўноқлигимизни ошкор қилиб қўймоқдамиз. «Ноҳия», «куллиёт», «...ғоҳ»лар эсингиздадир? Кимнингдир ҳаёлига бир ибора келиб қолса, тўғрими-нотўғрими, ўринми-ўрни эмасми — ишлатаверамизда, ғоҳида кулгили ҳолатлар пайдо бўлади. Масалан, «оператор»ни «тасвирчи» деб олдик (гарчи бунинг ўзи нотўғри — оператор тасвирламайди, бор нарсани суратга олади, холос), аммо, режиссёр сўзини ишлатяпмиз. Ваҳоланки, бу икки ҳунар эгаси доимо бирга ишлайди. «Самолёт»ни «тайёра» дедик, нега «самолёт»ни «ўзи қайнар» демаяпмиз? «аэропорт»ни қийналиб «тайёрагоҳ» деяпмиз. Бу ўринда «қўналга» деган ниҳоятда ўзбекча иборани ишлатиш керак эмасмиди?

«Япроқшунослик»нинг нўноқлик билан қўлланилаётганидан ташқари, унинг ниҳоятда сохталиги, энг муҳими эса алдоқдан иборат эканини шу йил 11 сентябрь кўни бўлган футбол ўйини шарҳи мисолида кўрсатишга ҳаракат қиламан.

Тўғри, шарҳда ёт сўзлар ишлатилгани йўқ ҳисоб. Бироқ, бутун шарҳ давомида шарҳловчи ўзбекча сўзлар билан русча гапираётгандай туюлди. Мисол учун: «Яна бурчакдан тўп тепиш ва яна уни фалончи **амалга оширади**», деган гапни ўзбекча дея оласизми?

Футболда «штраф» деган ибора бор. «Штраф»нинг ўзбекчаси «жарима» бўлади. Аммо, жаноблар, ўзбек тилида жарима фақатгина **пул** билан боғлиқ. Футболдаги «штраф» эса, ўзбек тилида **«жазо»** бўлади. Яъни, ўйинчи қоидани бузганида унга жарима солинмайди, у **жазоланади!** «Состав» ибораси кўп ҳолларда «таркиб» деб ўгирилади. Бироқ, ўзбек тилининг **нозик** табиати **одамни таркибга** киритишни кўтармайди. Шу сабабли, мисол учун, «Пахтакор» жамоасининг **таркиби»** эмас, «Пахтакор» жамоасининг **сафи»** дейиш тўғрироқ бўлади. «Касансаец» деган команда бор. Унинг шу пайтгача «Косонсойчи» (бундан кейин бир-биримиздан **«қаерликсиз»**, деб эмас, қаерчисиз?» деб сўраймиз шекилли?) деб «ўгирилиб» келаётганига нима дейсиз?

Созанда бўлмаган одам куй чаламан, врач бўлмаган одам бировни операция қиламан, демайди. Бунга ҳеч ким йўл ҳам қўймайди, албатта. Барча соҳа ичида фақат тил билан адабиётнинггина даргоҳи ҳаммага очиқ. Аммо, бу — тил ва адабиёт даргоҳи бедарвоза, унга киришнинг масъулияти йўқ, деган гап эмас. Буни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Шуниси борки, созанда бўлмаган одам ҳам, гарчи ўзи куй чалолмаса-да, қулоғи қуйидаги сакталикни ҳис қилади. Футболдаги «очко»-дан бўлак деярли барча иборани «топган» («очко» эвазига бу ибораннинг таржимасини таклиф қиламан: «очко» — «хол» бўлади) янгиликпарвар «япроқшунос»лар «фалончи **тўп билан**» («С **«ўткир бурчак** остида» («под острым углом») деганида қулоғи сакталикни ҳис қилмаганига ҳайрон қолади киши...

Бу мулоҳазалар майда гапга ўхшаб туюлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, тил дарахтимизни парвариш қилиш, тил мустақиллигига эришиш муаммоси шу қадар улканки, уни бир-иккита қисқа мақола билан ҳал қилиб бўлмайди. Бугунги мулоҳазалар — улкан муаммодан бир қатра, холос. Аммо, қатралар ҳам бўлаверса, нимагадир айланишини ҳам унутмаслигимиз керак.

Шу мулоҳазаларга кўра, яъни, ибораларни ўзгартириш билан тил дарахтимизни соғломлаштириш мушкул эканига ишонч ҳосил қилган ҳолда, бир таклифни ўртага ташламоқчиман.

Ҳозир республикамизда атамақўмдан ташқари ўзбек тили жамияти ҳам ишлаб турибди. Аммо, бир-бири билан мустаҳкам алоқада ишлаши лозим бўлган бу икки ташкилотнинг ҳамкорлик самаралари кўзга ташланмаяпти. Шунинг учун уларни бирлаштириб, шу негизда тилшунос олимлардан ташқари ёзувчиларни мутахассисларни, умуман, тилимизнинг бошқа жонкуярларини жалб этган ҳолда ўзбек тили марказини ташкил этиш, бу марказга катта ваколатлар бериш лозим. Чунки, сиёсий мустақилликкa эришдик, яқин орада иқтисодий мустақилликкa эришишимиз ҳам аниқ, аммо тил мустақиллигисиз чинакам мустақилликкa эришиб бўлмайди. Буннг учун эса, тил дарахтимиз парваришга етарли даражада эътибор беришимиз лозим.

Тил дарахтимизни асрайлик!

Машраб БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

САҲНА ОЛДИДАН. Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ АВЛОДЛАРИГА МУКОФОТ

Миср Араб Республикаси Президенти жаноб Муҳаммад Ҳусни Муборакнинг расмий таклифига биноан Ўзбекистонлик бир гуруҳ дин арбоблари шу йил 26—31 август кунлари Миср давлатида бўлиб қайтишди. Ушбу гуруҳ таркибида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раисининг муовини С. Норматов, Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси ҳорижий алоқалар бўлими ишюритувчиси А. Мусабеков, Самарқанд вилояти Ургут тумани имом хатиби Ш. Ҳақберднев ва ҳазрати Имом Бухорийнинг ҳамқишлоғи А. Элтоев бор эди.

Ҳамюртларимиз 28— 31 август кунлари Миср Араб Республикасининг Искандария шаҳрида Президент жанобларининг ҳомийлиги ва Миср Вақф вазирининг раҳбарлиги остида Ислом маданиятига бағишланган Халқаро конференцияда иштирок этишди. Мазкур конференцияга жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатларидан вакиллар ташриф буюрдилар. Анжуман Президент Ҳусни Муборак жаноби олийларининг иштирокчиларга йўллаган табригини ўқиб эшиттириш билан бошланди.

30 август кунк Президент жаноби олийлари 15 давлатнинг, жумладан Ўзбекистоннинг ҳам, гуруҳ раҳбарларини ўз қароргоҳида расмий қабул қилди. Шу кунн кечқурун Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Мавлуд (туғилган кун)ларига бағишланган кеча ўтказилди. Бу кечада Президент Ҳусни Муборак жаноби олийлари шахсан иштирок этиб, нутқ сўзладилар. У жумладан ҳазрат Имом Бухорий ҳақида гапириб, бу буюк аллома ватани бўлмиш Бухоро учун аталган мукофотни Ўзбекистондан келган дин арбоблари гуруҳи раҳбари Собиржон ҳожи Норматовга тантанали равишда топширди. Бу мукофот 1993 йилги Оламий Миср мукофотн бўлиб бир миллион жунайх мисридан иборатдир. Ушбу қутлуғ дамлар Миср телевиденеси ва радиоси орқали ҳамда «Ал-Аҳром» ва «Ал-аҳбор» рўзномаларида кенг кўламда шарҳланди. Ўзбекистон вакиллари Миср жумҳурияти Вақф ишлари вазири Муҳаммад Али Махжубнинг қабулида ҳам бўлишиб, Ўзбекистонда янги очилган диний қўмитанинг келажак режалари ҳамда бу йил Қоҳирадаги «Ал-Азҳар» жамоасига қўмита томонидан юборилиадиган 50 талабага яратиладиган шарт-шароитлар, илм олиш имкониятлари ҳақида ўзаро фикрлашиб олдилар.

Тоҳир ДОЛИ ўғли.

ХАЛҚАРО КОМПЬЮТЕРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Computer-Central Asia-93

ТОШКЕНТ, КИНО УЙИ, 2 - 7 НОЯБР

Етакчи компьютер фирмалари Intel, IBM Turkey, ABSYS - Apple authorized distributor, DEC, BULL, Borland, Rank Xerox, I. E.E.,Hantarex, Canon, Nacosy, Zonennshain, TELDA, LVS, InterConcepts Inc.,Эксимер, Диалог-МГУ,Парситек-М, Нурон Лтд., ВаДиМ Лтд., Megatron- ЭДА ўз экспозициялари намойишига таклиф этади

Ташкилотчилари :
Узбекистон Республикаси ТИАВ "Интерсервис" ХХТСБ, Узбекистон Республикаси ФТДК, "ЁТМ" Инновацион фирмаси

Apple

Спонсорлар:
* ABSYS - Apple authorized distributor
* Computer World - Moscow * Мир ПК
* PC Magazine - Russian Edition
* Нихол РИМ

Кўргазмага қатнашиш учун талабнома

Имзо
(ташкилот ёки хусусий кишилар)
Мухр
(почта манзили, телефон, факс)

талабномалар қуйидаги манзилгохга жунатилсин: 700077, Тошкент, Буюк Ипак Йули к., 71/11
tel : (3712) 6 8 - 8847(09 5) 137 - 0 320 fax: (3712) 6 8 - 7598 E-mail: CCA @ cmi. tashkent.su

Узбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг жамоаси Сурхондарё вилояти телерадиокомпаниясининг собиқ раиси

Озод Мавлонович АВЛИЁҚУЛОВнинг

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Узбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси республика радиоси Ижтимоий ҳаёт бош муҳарририятининг катта муҳаррири Ш. Абдусатторовга отаси

Ҳазратқул АБДУСАТТОРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби ушбу бошқарманинг биринчи муовини Т. Худойбергановга волидаи муҳтарамалари

ҚОРАҚИЗ онанинг вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миранвал МИРАЛИМОВ, Саловиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандақпор ГУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 10-уй.

Навбатчи муҳаррир Т. Долиев,
навбатчи И. Худойёров.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г.— 498. 97346 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди: 23.40.

Узбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1284 5